



СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очкилик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қозғош шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинуви яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сон

Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгилансин:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш; судларда одил судловни амалга ошириш учун

зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Давоми 2-бетда

Шарҳ

ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Президентимиз фармонида белгиланган вазифаларнинг тизимли ва изчил бажарилиши яйловларнинг унумдор, қўй-қўзиларнинг дурқун, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлайди

Халқимизнинг қўй-қўзига меҳри азал-азалдан баланд бўлиб келган. Уларга қут-барака манбаи, дастурхонимиз тўқинлиги рамзи сифатида қаралган. Тўй-томоша, азиз кунлар ва ҳайит байрамлари учун энг наслдор қўйлар боқилган, унинг жунидан тўқилган кигизу гиламлар авлоду аждодларнинг уйларини безаб турган. Сур терилар эса жаҳон бозорида олтиндан ҳам қиммат баҳоланган.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бор-бомизнинг ушбу мисралари яйловларнинг наврўзий фусунини ифода этади:

**Меҳр устади чун ҳамал фароғи,
Дашт узра бутар қўзи қулоғи...**

Қорақўлчиликнинг бугунги кунига доир ушбу маълумотлар эса бутунлай бошқача манзарани намояндалар. Республика бўйича 8,1 миллион гектар яйлов қорақўлчилик учун ажратилган бўлса, унинг 3,9 миллион гектарида (48 фоиз) ҳосилдорлик пасайиб кетган, 2,9 миллион гектарида (36 фоиз) эса умуман ўт-ўлан ўсмайди, 3 миллион гектар майдонда (37 фоиз) сув бўлмагани сабабли чорвани боқиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 6,2 миллион бош қорақўл қўй бўлиб, уларнинг ўртача вазни 25-35 килограммга тушиб кетган, олинмаган тери ҳажми эса кичраиб қолган. Битта қўйдан бор-йўғи 1,5 кг жун олинади. Ваҳоланки, бошқа мамлакатларда қорақўл зотли қўйлар икки-уч баравар кўп гўш беради, терисининг ҳажми 1,5-2 баравар катта, жун эса хари-дорғир.

Тармоқда ҳозирги пайтда қорақўл териси ва жунини қайта ишлайдиган 12 та корхона мавжуд бўлиб, улар томонидан 2019 йилда 365 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Мухтасар айтганда, соҳадаги мавжуд муаммолар инфратузилма ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашни, насл кўрсаткичларини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли фаолиятни йўлга қўйишни талаб этаётган эди.

Давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон


Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу масалаларни ҳал этишни кўзда тутгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳужжатда пиллачилик ва қорақўлчилик кластерларини ташкил қилган ҳолда хомашёни чуқур қайта ишлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш асосий мақсад сифатида белгилаб берилган.

— Фармон лойиҳасини тайёрлаш ва уни қабул қилиш жараёнида чул ҳудудларидаги чўпонлар, қорақўлчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари, масъулияти чекланган жамият раҳбар-мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари олинди, — дейди республика "Қорақўлчилик" уюшмаси раиси маслаҳатчиси Мухтор Ҳақимов. — Уларни қийнаб келаётган муаммолар ўрганилиб, таҳлил этилди. Чиқарилган ҳулосалар ва билдирилган тақлифлар мазкур фармонда ўз ифодасини топган.

Ҳужжатда белгиланган тартибга биноан, 2021 йил 1 июлга қадар республиканинг яйловларга эга барча ҳудудда озуқа базасини яратган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўш-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қорақўлчилик кластерлари ташкил қилинади. Уларга қорақўл зотли қўйларни боқишга мўлжалланган, шу жумладан, ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижарага ҳам берилади.

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС



Ҳасани Йўлдошев оғанинг суратлари.

Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Акмак САИДОВ,
академик

Бу фикрлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида янгради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал бойлиқнинг қадр топаётгани халқимизнинг тарихи, тийнати, менталитети, асрий қадриятлари, орзу-умидлари билан бевосита боғлиқ. Президентимизнинг "Дунёда энг катта бойлик — ёшлиқда олинган билим ва эгалланган касб-хунардир", деган фикри бежиз эмас. Тарихий мисолларга мурожаат қилайлик.

Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино 4 ёшида Қуръонни тўла ёд олган. Бугунги кунда Қуръони қаримдан кейинги муборак китоб дея тан олинган "Саҳиҳи Бухорий"ни тузган алломаимз Имом Бухорий 11 ёшида устози ад-Доҳиллийнинг илмидаги хатони тузатган. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий 6 ёшида шеърлар ёза бошлаган ва Фаридиддин Атторнинг "Мантқиқ ут-тайёр" асарини ёддан билган. Ҳассос шоир ва шоҳ бобоқалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур эса 12 ёшида тахта ўтирган.

Давоми 3-бетда

ЛАҲЖАМИЗГА "ЕР УСТИ МЕТРОСИ" ДЕГАН ЯНГИ ИБОРА КИРИБ КЕЛДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод мавзесида яшовчи киши эрталабки ва кечки тигиз пайтларда шаҳар марказига ўчи шаҳар марказидан ўз турар жойига етиб олиши учун қанча вақт сарфлайди? Камида 30-40 дақиқа. Бу рақамни тақрибан 100 000 га, 200 000 га кўпайтирсак қанча чиқади? Ёзининг саратони, қишнинг изгирилли кунлари бор, кундуз бор, тун бор. Ёш бор, кекса бор, бола етаклаган, юк кўтарган бор. Ҳолдан тойган асабларни ким ҳисобга олади?..

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва касация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қозғош шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қўлайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш.

4. Кўйидагиларни назарда тутиб Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

28 та давлат органлари ва ташилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирнинг Тадбиркорлар муносабатлари қўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига боқичма-боқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овоза қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташилотларидан электрон шаклда олиш;

судлар томонидан жарималарни қамайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда «Ижтимоий химоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳоли ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Белгилансинки, Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали ишончли ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қўйидаги имкониятларни берувчи «Адолат» ахборот тизимлари комплекси жорий этилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳужалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш; суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий

этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш.

6. Олий суд 2020 йил якунига қадар:

суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқсин ва уни амалиётга жорий этсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбустларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларидан видеоқонференцалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

7. Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги тақлифлариға розилик берилсин:

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимлариға номзодлар томонидан электрон муносабат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган саволлар ва вазибаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш;

Судьялар олий мактабиға унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва муносабатларни йўшлаш, профессор-ўқитувчилар ва тинловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимлариға номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тинловчиларнинг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўрнатилсин.

8. «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар зиммасига суд ҳокимияти органлари фаолиятиға жорий этилиши режалаштирилган ахборот тизимлари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш вазибалари юклатилсин.

Белгилансинки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактабининг бюртомаси асосида доимий равишда «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар томонидан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш учун шартномалар белгиланган тартибда тузилади ҳамда шартнома нархи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган ўртача бозор нархи асосида шакллантирилади.

9. Худудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилсин.

Олий суд Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда ҳар йили 1 декабрға қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан худудлар кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

10. Судьялар олий мактаби бир ой муддатда судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига фан фаолиятиға жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулини киритсин.

11. Белгилансинки:

суд тизими учун дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

судлар фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Мазкур қарорнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

Олий суд раиси (К.Камилов) ва Судьялар олий кенгаши раиси (Х.Ёдгоров) Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятиға жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловға эришиш даражасини оширишдаги аҳамиятини муҳокама қилсин, шунингдек, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўрсин;

Олий суд раиси (К.Камилов), ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири (Ш.Садиков) Дастур ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин;

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари (Л.Қўдратов) Олий суд раиси (К.Камилов) билан биргаликда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича қарорда белгиланган лойиҳалар ва тадбирлар ижросини таъминлаш учун халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (О.Умаров) Дастур ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишиға кўмаклашсин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (А.Ходжаев) Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамжамияти орасида суд ҳокимияти органлари фаолиятиға жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳақида кенг тарғибот ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий роликларни мунтазам равишда жойлаштириш чораларини амалга оширсин.

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ҳар чоракда ахборот бериб борисин.

14. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Шарҳ

ҚУТ-БАРАКА
МАНБАИ

Президентимиз фармонида белгиланган вазибаларнинг тизимли ва изчил бажарилиши яйловларнинг унумдор, қўй-қўзиларнинг дурқун, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлайди

Бошланиши 1-бетда

— Қашқадарё вилоятида 1,2 миллион гектар яйлов бор, — дейди Ғузур туманидаги тажриба наслчилик илмий станцияси директори маслаҳатчиси Ҳасан Мухаммадов. — Лекин шу пайтга қадар бу яйловлардан қандай фойдаланиш, унумдорлигини ошириш бўйича ҳеч ким қайғурмай келаётган эди. Эндиликда кластерлар ташкил этилганидан кейин бу майдонлар эғли бўлади. Улар қўйи, чорваси бор аҳолиға бўлиб берилади, янги иш ўринлари яратилади.

— Мен ота-боболар ишнинг давом эттириб келаётган тўртинчи авлод вакилиман, — дейди Бухоролик чўпон Негмурод Ойматов. — Тўғриси, чорваға эғтибор кам эди. Президентимизға раҳмат, бизнинг фаолиятимиз тубдан ўзгаришти. Кластерлар ташкил этилса, етказиб берган маҳсулотларимиз қайта ишланади, фойдасидан биз ҳам баҳраманд бўламиз. Ана шу томони бизни мамнун қилапти.

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг директори Насрулло Бобоқулқоўнов фикрича, кластерларнинг ташкил этилиши туфайли инқирозға учраган яйловларнинг аҳоли ўғнланади, селекция ишлари йўлга қўйилади, генфондини сақлашға катта аҳамият берилади. Маҳсулотлар экспорти ошиши, ўз навбатида, валюта захирамизнинг мустақамланшишиға ҳисса қўшади.

Фармонда тармоқни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг асосий жиҳатлари ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб кластерларға ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишға 120 миллион сўмғача миқдорда субсидиялар бериш тартиби қўлланилади.

Кластер иштирокчиларига майда шохли наслдор мол харид қилиш ва қўлайтириш, озуқа базасини яратиш, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тери ва жунни қайта ишлаш ҳамда биноларни реконструкция қилиш, мавжуд қувватларини модернизациялаш лойиҳаларини молиялаштириш учун 2020-2023 йилларда ажратиладиган банк кредитлари бўйича фойиз харажатларини қоплаш тижорат банклари томонидан ўрнатилган фойиз ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсациялар берилади.

«Қорақўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун қамма битта иш ўрни яратиш шarti билан Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқоридан субсидиялар ажратилади.

Хужжатта биноан, Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш кўмитаси ташкил этилиб, унинг асосий

вазибалари белгилаб берилди. Эндиликда қорақўл зотли қўйларни кўпайтиришға мўлжалланган барча яйловлар кўмитаниннг доимий эғалигига ўтказилади, улар кластерларға мазкур идора томонидан мустақил равишда, шу жумладан, ноль ставкада ижараға берилади.

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази кўмита ихтиёриға ўтказилди.

— Фармонда соҳани илмий ва инновацион лойиҳалар асосида ривожлантиришға, мавжуд муаммоларни илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ҳал этишға эғтибор қаратилган, — дейди Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори Шухрат Абдулазимов. — Бундан ташқари, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузурида Пиллачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилапти. Ушбу жамғарма экспорт ҳисобидан тушадиган маблағлар эғавизға шакллантирилади, илмий соҳани ривожлантириш учун ҳам бошқичма-бошқич маблағлар йўналтирилиб борилади.

— Фармонда қорақўлчиликни ривожлантириш, экспорт ҳажмини оширишға алоҳида аҳамият берилиши бежиз эмас, — дейди «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси ўринбосари Моҳибуллоҳ Раҳмон Гул. — Булар бир-бири билан боғлиқ, Қаранг, яқин пайтгача жун экспорт қилинмаган. Яқинда 400 тонна ана шундай маҳсулотни Афғонистонға сотдик. Эндиликда кишиларни жундан гилам тўқиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришға ўргатишимиз керак. Чунки биз хомашё эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилишимиз зарур. Насиб этса, бу вазибалар ижросини ҳам тез орада таъминлаймиз.

Табиийки, бундай кенг қўламли ишлар муваффақиятини ҳамда истиқболини соҳа мутахасссларининг билими, инновацион фикрлаши ва юқори малакаси белгилайди. Шу боис, фармонда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти филиалларида қорақўлчилик соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича махсус йўналишлар очилди, Самарқанд ветеринария ва медицина техникумида майда шохли молларни кўпайтириш ҳамда ипак қурти етиштириш, Марғилон шаҳридаги 1-касб-хўнар мактабида ипак қурти етиштириш, хом ипақни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилган.

Халқимизда «Қўй келади қўзи билан, бир-бирининг кизи билан», деган ҳикматли ибора бор. Давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган вазибаларнинг тизимли ва изчил бажарилиши яйловларнинг унумдор, қўй-қўзиларнинг дурқун, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишини таъмин этади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди

Фармонға мувофиқ, 2021 йил 1 июлга қадар республиканиннг яйловларға эға барча ҳудудларида озуқа базасини яратган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қорақўлчилик кластерлари ташкил қилинади.



Кластерларға қорақўл зотли қўйларини боқишға мўлжалланган, шу жумладан, ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижараға берилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб кластерларға ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишға Президентнинг ПҚ-4567-сон қароридан назарда тутилган 120 миллион сўмғача миқдорда субсидиялар бериш тартиби қўлланилади.

Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун қаммада 1 та иш ўрни яратиш шarti билан Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан БҲМнинг 10 баравари (2 миллион 230 миң сўм) миқдоридан субсидиялар ажратилади.

Фармон билан Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш кўмитаси ташкил этилди.

Пиллачилик ва қорақўлчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, ушбу тармоқларни ривожлантиришни таъминлаш Кўмитаниннг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.



Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази кўмитаға ўтказилади.

Фармонға кўра, Ўзбекистон божхона чегараси орқали ипак чикиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипак (ТИФ ТН коди — 5002 ва 5003)ни олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан олиб чиқиладиган ипак чикиндилари ва хом ипақнинг ҳар 1 килограмми учун 0,05 АҚШ доллари миқдоридан иғим ундирилади.



Хуқуқий ахборот телеграм канални маълумотлари асосида тайёрланди.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

куни Францияга биринчи расмий ташрифи доирасида Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашуви асносида “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” номли 6 жилдли асарни ўзбек тилига таржима қилиш ташаббусини илгари сурганди. ЮНЕСКО раҳбари Ўзбекистон Президентининг бу гоҳини маъқуллаган. Ушбу саломқли асарни ёзишда таниқли ўзбек олимлари ҳам иштирок этган. Шунингдек, асарнинг тўртинчи жилдида Амир Темур салтанати ва темирлар даври тарихи, маданияти, санъатига катта ўрин берилган. Шунинг учун мазкур китобларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фани ривожлантириш йўлида имзоланган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган давлат дастурлари, илгари сурган янги-дан-яни ташаббусларининг мағзини тула қабиб кўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Бу, ўз навбатида, ҳар биримизга, бир томондан, чексиз фахру ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, катта масъулият юклайди.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ РЕНЕССАНС МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Юртимизда инсоннинг таълим олишига ижобий муносабат узоқ йиллик анъаналарга эга. Катта-кичик шаҳарларимизда IX-X асрлардан бошлаб кўплаб мактабу мадрасалар фаолият кўрсатган. Илк бор очилган олий ўқув юртининг тарихи ҳам асрларга тўташ.

Кейинги даврда тарихчи олимлар, илм-фан намоёндалари, халқаро экспертлар ҳозирги Самарқанд давлат университети тамал тоши ўрта асрларда қўйилгани, у Мирзо Улугбек мадрасаси олийсининг вори-си эканини қайд этишмоқдалар.

Ана шу мадрасаларда тахсил олган аждодларимиздан 100 мингга яқин кўлэмга ва тошбосма асар бизга мерос қолган. Президентимиз ташаббуси билан кейинги 2-3 йилда яна юзлаб кўлэмлар юртимизга қайтарилди. Бундан ташқари, маърифатпарвар боболаримизнинг қанчадан-қанча китоблари топилиб, тегишли илмий муассасаларга топшириляпти.

Агар бу кўлэмларни яхшилаб тахсил қиладиган бўлсак, уларнинг кўпи илмий асосларга таянган, яъни фундаментал илмлар — чизмалар, риёзиёт машқлари, ҳайвонот олами, анатомия, шунингдек, фикрда доир эканини кўраймиз.

Урта асрларнинг илк даврида улуг аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар жaxon илм-фани ва цивилизацияси ривожига кескин бурилши ясади.

Жаҳид боболаримиз ҳам мадраса кўрган зиёлилар бўлиб, истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка фақат маърифат, демокки, билим олиш ва илм-фани чўқур ўрганиш орқали эришилади, деб ҳисоблаганлар. Махмудҳўжа Бехудий шунинг учун: “Дунё иморатлари ичда энг улуги мактабдир”, деб таъкидлаган. Абдулло Авлонийнинг мана бу чорлови бугун ҳам ниҳоятда долзарб:

**“Эй миллат, ухлама, илм улуғ чоғи,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи”.**

Биз эса, афсуски, узоқ йиллар гафлатда бўлдик. Бу бой меросни ўрганмадик, буюк алломаларимиз бошлаган кашфиётларни тақомилга етказмадик.

Шу ўринда айтиш жоизки, аждодларимиз қолдирган илмий меросни бугун Европа мамлакатлари, дунёнинг бошқа юртлари олимлари ҳам қизгин ўрганмоқда. Улар мероси асосида кашфиётлар қилишга интилишлар бўляпти.

Бу ҳақда сўз борганда, 1994 йили Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО ташаббуси билан мазкур халқаро ташкилотнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустақилликнинг илк давридаги дастлабки энг йирик халқаро илмий анжуман ҳисобланган ушбу нуфузли тадбир мисолида ҳам улуг аждодимизнинг илмий мероси дунё миқёсида қанчалик юксак даражада эътироф этилишига амин бўлиш мумкин.

Уз давридаги барча қийинчилик ва оғир синовларга қарамастан, аллома ва мутафаккир аждодларимиз илму фан равнақи йўлидаги ўз бурчида, гуманизм ва маърифат ғояларига ҳақиқат содиқ қилиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатганлар. Уларнинг халқимиз ва башариёт олдидаги буюк хизматлари, айниқса, мустақиллик йилларида муносиб ҳурмат ва эътибор топиб келмоқда.

Улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустахкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Тарихий ҳақиқат шуки, бирон-бир мамлакатнинг дунё цивилизациясига ҳисса қўшган олимлари сони Ўзбекистон заминига етишиб чиққан олимларчалик кўп эмас. Буни гапирмиша, бундан фахрланмиша бизнинг маънавий ҳаққимиз бор.

МАМЛАКАТ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЛОКОМОТИВИ

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда дунё миқёсидаги жами бойликнинг 16 фоизи ишлаб чиқариш воситалари, 20 фоизи табиий ресурслар ҳиссасига тўғри келади. Инсоният эга бўлган барча бойлиқнинг қолган 84 фоизи, яъни учдан икки қисми эса бевосита инсон салоҳияти, унинг билими ва тажрибаси эвазига ортирилган.

Шу маънода, барча соҳада илгор тараққиёт

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанс ана шу буюк аждодларимизнинг илм-маърифат, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди.



йўлидан бораётган ва юксак марраларни забт этаётган юртимиз учун билимли ва тажрибали, ҳар томонлама етук кадрлар керак. Сўнги йилларда қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бунинг учун мустахкам замин яратилди. Мактабгача таълим, умумтаълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, хусусан, Ўзбекистон Президенти 2017 йил сентябрь ойда Исролом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида айнаи вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқادا қолаётганига эътибор қаратганини алоҳида қайд этиш лозим.

Масалан, Исролом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги 1,9 фоизи ташкил этган.

Ана шу мадрасаларда тахсил олган аждодларимиздан 100 мингга яқин кўлэмга ва тошбосма асар бизга мерос қолган. Президентимиз ташаббуси билан кейинги 2-3 йилда яна юзлаб кўлэмлар юртимизга қайтарилди. Бундан ташқари, маърифатпарвар боболаримизнинг қанчадан-қанча китоблари топилиб, тегишли илмий муассасаларга топшириляпти.

Уша анжуманда давлатимиз раҳбари Исролом ҳамкорлик ташкилотининг 2016-2025 йилларга мўлжалланган Ун йиллик ҳаракатлар дастурини тула қўлаб-қувватлаб, бу борада бир қатор ташаббусларни илгари сурганди. Бугунги кунда ушбу ташаббусларнинг аксарияти рўбёга чиқарилипти.

Хусусан, ёш олимларга билим ва тажриба алмашиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузиш, Ўзбекистонда ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб ёш математиклар ўртасида халқаро олимпиада ташкил этиш, мусулмон дунёсида эриши-лаётган илм-фан ютуқларини муносиб тақдирлаш ҳамда уларни халқаро миқёсда оммалаштириш учун Исролом ҳамкорлик ташкилотининг махсус муқофотини таъсис этишга доир амалий тақдирлар шулар жумласидандир.

Мамлакатда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Исролом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида калом илми, ақида илми, тасаввуф илми, ислом ҳуқуқи (фиҳр) ва ҳадис илми мактаблари иш бошлади.

Ўзбекистонда кейинги тўрт йил давомида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилаётгани бежиз эмас. Чунки инновация — бу келажак дегани. Замон шиддат билан ривожланиш бораётган ҳозирги даврда фақат янги фикр, янги ғояга, демокки, инновацияга таянган давлатгина ютади. Эндиликда юрт тараққиётини, жумладан, барқарор инновацион, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тараққиётни таъминлашга хизмат қил-диган янги қонунлар, давлат дастурлари ва “йўл хариталари” худди шу долзарб даявяти ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилимоқда.

Утган қисқа даврда илмий-тадқиқот ишлари самардорлигини ошириш ва тижоратлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинган ҳам буни тасдиқлайди. **Айни чоғда 2017-2021 йилларда республикада илмий-тадқиқот муассасалари инфратузилмасини мустахкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** амалга оширилмоқда.

2017 йили Инновацион ривожланиш вазириги ташкил этилди. Ушбу вазирига Тошкентда, илм-фан ва таълим соҳасининг ўчоғи — Талабалар шаҳарчасида янги, илмий-техникавий иход учун ҳар томонлама қўлай шароитларга эга бўлган ноёб бино қуриб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Инновацион ривожланиш вазиригини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони ихроси доирасида мамлакатимизда 2019 йил 29 октябрда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилиди ва қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ ДУНЁ МИҚЁСИДА РАҚОБАТБАРДОШ БЎЛИШИ ШАРТ

Давлатимиз раҳбарининг Президент сифатидаги биринчи учрашуви 2016 йил 30 декабрда юртимиз академиклари билан бўлиб ўтган. Уз навбатда, Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрда қабул

қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Фанлар академиясининг 32 нафар янги ҳақиқий аъзоси тасдиқланди.

Янги академиклар сафидан юртимизнинг физика-математика, кимё, биология, техника, қишлоқ ҳўжалиги, тарих, иқтисодийёт, филология, ҳуқуқ-шўнослик, педагогика, тиббиёт фанлари ҳамда санъатшўнослик соҳаларида кўзга кўринган олимлари ўрин олди.

Эътибор беринг, бунга қадар Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳақиқий аъзоллигига охирига сайловлар 1995 йилда ўтказилган. Бунинг оқибатида ўтган давр мобайнида юртимизда академикларнинг сони икки баробардан кўпроққа қисқариб, Фанлар академиясининг атиги 63 нафар ҳақиқий аъзоси қолган эди, холос.

Мамлакатимиз фундаментал фанининг етакчиси сифатида ҳақли равишда алоҳида ўрин тутадиган Фанлар академияси тарихида бир қанча илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тиклангани бунга яққол тасдиқлайди. Хусусан, Фанлар академияси тарихига 9 та илмий-тадқиқот муассасаси қайтарилди ва қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди. Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навойий бўлими ташкил этилди.

Иккинчи томондан эса илмий-амалий фаолияти йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун сўниб, туғаб бораётган Ўзбекистон Фанлар Академиясига қайтадан “жон” ато этилди. Шундай экан, қисқа вақт ичда Фанлар Академиясини, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан чиқариш ва соғлом, тўлақонли фаолиятга қайтариш йўлида ниҳоятда муҳим амалий чоралар қўрилгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат қаторидан қўй эгаллаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”.

МАЪРИФАТЛИ ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ОЛТИН ФОНДИ”

Президентимиз томонидан 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш



Ҳақим йўлдошев олган суратлар.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Шу ва кейинчалик қабул қилинган бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда олий таълим тизимини тубдан тақомиллаштириш масаласига ҳиддий аҳамият берилди.

Бунда мамлакатни иқтисомий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазибаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмуни тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш асосий мақсад этиб белгиланди.

Натижада сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Жорий йилда олий ўқув юртиларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшлар ҳужжат топширди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз кўп демокдир.

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, “Замонавий мактаб” дастурини қўриб олиш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Жорий ўқув йилидан мактабларда



“Тарбия” фанидан дарс ўтилади.

Мактаб — бу ҳаёт-мамат масаласи, келажак масаласи, дейди мамлакатимиз раҳбари. Бу масалани давлат, ҳукумат ва оҳимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмаддан туриб одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Атоқли француз адибли Виктор Гюгонинг: “Мактаб оғчан одам бамисоли қамоқхонани ёпандек гап”, деган ҳикматли ибораси бунга яққол мисолдир. Бъзи мактаб, таълим, тарбия бор жоюда болалар ёмон йўлга кирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, қамоқхоналарга зарурати қолмайди.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистонда 11 йиллик мактаб таълими тиклангани алоҳида диққатга лойиқ. Энг асосийси, юртимизда **“мактабгача таълим — мактаб таълими — олий таълим”** силсиласи тимсолида миллий таълимнинг узлуксиз тизими яратилди.

Кейинги тўрт йилда Наманганда Исҳоқхон Ибраг, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Қаршида Абдулло Орипов, Марғилонда Эркин Воҳидов, Нукусда Иброҳим Юсупов, Андижонда Муҳаммад Юсуф, Гулистонда Ҳалима Худойбердиеванинг махсус ижод мактабларига асос солинди. Уз навбатида, иқтидорли болалар ҳар томонлама қўлаб-қувватланмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда ташкил этилган Президент мактаблари янги авлод кадрларни тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илгор технологияларни қўлаган ҳолда уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизимга айланди. Таълим жараёни ривожланган давлатлар таърихида асосидан ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийетни ривожлантириш йили деб эълон қилинган. Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятини ҳисобга олиб, ҳозирги босқичдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда бу йил математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларини ривожлантириш танлаб олинган.

Безъни эмас. Чунки Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олинган. Қолаверса, функционал таҳлил ва дифференциал тенглалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишлари бўйича нуфузли мактабларимиз шаклланган бўлиб, айни пайтда самарали фаолият юритмоқда. Етти нафар математика олиминиз Жаҳон фанлар академияси аъзоси ҳисобланади.

Кўплаб қириқий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париз, Сеул каби йирик шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда кўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришга оид 2019 йил 9 июлдаги қарор ижроси доирасида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Фанлар Академиясининг Математика институти учун замонавий талаблар асосида янги бино барпо этилмоқда.

Ана шундай янги турдаги, энг замонавий таълим муассасаларида тахсил оладиган ёшларимиз, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг “олтин фонди” ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар чиқишига барча асосларимиз борлиядан, демокки, Ўзбекистонда том маънода янги Уйғониш даврининг пойдевори қўйилганидан далоят беради.

Энг асосийси, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ихтимомий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буюн ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлиб қолади.



ТИЗИМЛИ ИШЛАРИМИЗ ОРҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ ФАОЛИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Бошланиши 1-бетда



ЛАҲЖАМИЗГА “ЕР УСТИ МЕТРОСИ” ДЕГАН ЯНГИ ИБОРА КИРИБ КЕЛДИ



Хуршид ДЎСТМУХАММАД, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Юнусобод йўналишини фойдаланишга топширилган метрода ана шу оралк масофани 13-15 дақиқада босиб ўтиладиган бўлди!

Бундан ким ютди? Кимнинг манфаатига хизмат қилади бу қулайлик? Табиий, одамларнинг, аҳолининг манфаатига!

Аҳмад Дониш кўчасини айтмайсизми?! Кенг, раво, сўлим! Тошоша қилиб, кўзингиз тўймайди! Автоуловлар елиб, пидедалар бемалол ўтиб бормоқда. Йўл чиқиқлари тиниқ, йўл белгилари жойида! Мана, кўча! Мана, йўл! Бўлар экан-ку! Тошкент шаҳримизга ярашади бундай чарогон кўчалар, йўллар! Бундай йўлларда нафақат ҳаракат, балки фикр-тафаккур равошлаши, гўзаллашади, муносабатлар маданияллашади!

Уй-жойлар, катта-кичик бинолар, хиёбон кўчалар шаҳарнинг қиёфасини белгилайди. Йўллар эса бамисоли шаҳарнинг қон томири вазифасини ўтайди. Ҳаракатдаги қулайлик, раволик, тезлик, осийшталанишнинг аҳамиятини санаб адоғига етиш мушкул. Шаҳримиз эса кенгайиб бормоқда, аҳолисининг сони куну ҳафта сайин ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимиз — Тошкент мегаполис шаҳарга айланиб бормоқда.

2020 йилнинг 30 август санаси ватандошларимиз лаҳжасида “ер усти метроси” деган ибора амалда қўллана бошлади. Бу ҳам тарих! “Дўстлик -2” бекатидан йўлга тушган метро вагонларидан бир гуруҳ ижодкор дўстларимиз билан атрофни тошоша қилиб бормоқдамиз. Пандемия талафотлари шаҳарда ҳаётни тўхтатиб қўйгани йўқ. Тош шаҳримиз ўз тарихида бундай оғир кунларни кўп-кўп бошидан ўтказган. Иншааллох, қиличини яланғочлаб турган вирус офатини ҳам енгамиз! Қаерга қараманг, қурилиш, таъмирлаш, бунёдкорлик қизгин давом этмоқда! АҚШда, Германияда, Бирлашган Араб Амриликда кўрганман, бундай ер усти метроларини, Нью-Йорк, Берлин, Дубай манзараларини тошоша қилганман, лекин ўзбекона дангалига айтиш: Тошкент ер усти метросининг ҳам уларнинг ҳеч биридан кам жойи йўқ! Аксинча, улардан кўра замонавий, улардан кўра янги, улардан кўра навқирон!

Қолаверса, булар — бошланиши! Ҳали мўлжалланган ишлар талайгина. Яна бир гапни таъкидлаш керак бўлмайди. Мустақиллик шодибнеси арафасида кўрганларимиз ва таърифлашга уринаётганларимиз — бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолгани йўқ. Неча юз миллионлаб АҚШ долларини сарфланганини қўя турилиқ, қишлоқ-қировли кунларда метросозларимиз, йўлсозларимиз меҳнат қуроиларини ташлаб қўйишгани йўқ. Мураккаб шартроилларда ишни пайсалга солишмади. “Авалги имкониятларимиз билан кунига бир метр силжиган бўлсак, — деди мутасаддилардан бири ўзаро сўбатда, — Германиядан келтирилган техник имкониятлар кунига 15 метргача олға силжиш имконини яратди”.

Демак, ўзбекона айтганда, глобал миқёслардаги ҳашар-ҳамкорлик, замонавий тилдаги инвестиция алоқалари давом этар экан, бундан кейинги мўлжалдаги бунёдкорлик ишлари янада жадаллашади, албатта.

Тошкент ҳақиқий мегаполис шаҳар қиёфасига кириб бораверади!



Баҳодир КАРИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Бугун инсон манфаати ҳар қандай ишдан муҳимроқ. Жамият фуқароларининг ҳаётдан рози-ризо бўлиб яшашлари мамлакатнинг бош тамойилига айланган.

Барча бунёдкорликлар негизда эзгуният ва илм-маърифат ётади. Муҳандисларнинг ҳар бир иншоот тарихини чицаётгандаги эстетик диди, фаҳм-фаросати ўша қурилган биналарда ўз аксини топади. Биноларнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, уларнинг умри шунчалик узоқ бўлади, асрлар бўйи қадр ростлаб, жамиятга хизмат қилади.

Бахтиёр ТУРСУНОВ, техника фанлари доктори, профессор

Инсон умрининг кўп қисми йўлда ўтади: ишга, ўқишга ёки бошқа юмуш билан одамлар қанчадан қанча йўлни босиб ўтади. Шундай экан, унинг яхши ўқиши ёки самарали ишлаши учун масофани босиб ўтишга кетадиган вақт ва қулайлик катта аҳамиятга эга.

Мен неча йиллардан бери Фарғона йўли кўчаси орқали йўл катнаймаман. Тўғриси айтганда, йўлнинг сифати талаб даражасида эмас, тирбандликлар аҳолига жуда кўп нуқулликлар тўғдирар эди. Бир неча ой давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлмоқдам. Президентимиз билан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида пойтахтимизнинг



Кўзибой ОРТИҚОВ, Чилонзор тумани маҳалла фаоли:

— Мен ўзимни Ўзбекистоннинг энг бахтли фуқароларидан бири, деб биламан. Боси, Президентимиз билан биргаликда шаҳримизда бўлаётган ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишларига бевосита гувоҳ бўлиш шарофига мўъяссар бўлдим. Янги қурилган ер усти ва ер усти метроси, замонавий уй-жойлар қатори катта ҳудудда қад ростлаган технопаркни кўрдик.

Мени энг кўп ҳайратлантиргани илғор технологиялар асосида иш олиб бораётган технопарк фаолияти бўлди. У ерда биз гувоҳ бўлган



Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари — ер усти метроларининг ишга туширилгани, янги турар жой мажмуаларининг ўз эгаларига топширилиши, текис йўлларнинг қурилиши — буларнинг барчаси юртдошларимизнинг турмуш даражаси ҳар жиҳатдан юксалиши учун қилинаётган амалий ишлар, албатта. Қурувчиларга раҳмат!

Хозирча “Дўстлик-2” бекатидан “Қўйлик” бекатигача янги қурилиб ишга туширилган ер усти метросида сайр қилиб, уч-тўрт йил олдин Берлинга борганим эсимга тушди. Ер устида юрадиган бундай уловни немислар S-Bahn, ер ости метросини U-Bahn деб аташади. Бизда шу пайтгача U-Bahn ишлаб турганини ҳамма билади. Аммо бизнинг йўлларда ҳам одамларга беҳимнат хизмат қиладиган S-Bahnлар қанчон пайдо бўлади, деб ўйлаган эдим ўшанда. Хорижага борган киши ўз юрти билан ўша ҳудудлардаги қулайлик ва имкониятларни беихтиёр таққослай бошлайди. Эзгу орзуларга берилади. Орзулар рўёби — бу адолатли ҳақиқат.

Табиийки, эртага юртимизга келган меҳмонлар ҳам йўлларимизнинг ҳолатини, бекатлардаги озодликни кўриб, бу эл-юрт аҳлига, унинг маданий даражасига баҳо беради.

Хорижда туриб ўйлаганларим орадан ҳеч қанча вақт ўтмадики, ҳақиқатга

айланди. Бу ҳодисага адабиётшунослик тилида чинакам реализм дейилади. Ер усти йўли бугун барча қулайлиги билан шаҳар аҳлининг хизматини қилмоқда. Бу йўлларни, умуман, шаҳарлар, мамлакатлар, ер шарни бўйлаб қурилган ҳар қандай йўлни мен адабиётчи муаллим сифатида инсон организми — танасидаги қон томиларга ўхшатгим келади. Инсон аъзосидаги катта-кичик барча томиларда қоннинг юриши саломатлик, тириклик аломати.

Агар уларда тиқин бўлса, аҳвол ёмонлашади. Баъзан йўллардаги тирбандликлар, автоуловларнинг тўхтаб, тикилиб қолиши сабабли асабийлик, ҳайдовчиларнинг ўзаро бақир-чақир бошланади. Йўлчилардан ҳаловат кетади. Бугун шундай вазиятларнинг олдини олиш, шаҳар ва мамлакат “қон томиларини” да ҳаракат раво юриши, йўллар текислиги, кўчалар ободлиги, энг аввало, ижтимоий муҳитнинг соғломлашувиغا жуда катта таъсир ўтказиши.

Биздаги шарқона одоб-ахлоқ, удумга кўра, автоуловларда қарияларнинг қийналган вазиятларини кўрганда, албатта, ёшлар дарров жой беришади. Бугун йўллар кенг, ер ости ва ер усти метролари кенгаймоқда. Бундай ободлик кўнгилларга кўчади, бунёдкорлик шодлигидан одамларнинг юраги хақиради, дунёқароши, ҳаёт тарзи ва таъсир тафаккурлари гўзаллашади...

ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИГА МУҲРЛАНАЖАК ИШЛАР

Фарғона йўли кўчасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирдик. Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, дилимиз яйраб кетди. Қўрилиш кўлами ва унда эътибордан четда қолмаган ҳар бир жиҳат кўзга қўнади. Уларнинг ҳаммаси йўловчилар узогини яқин, оғирини енгил қилишга қаратилган.

Туркиянинг “Kalayon” ширкати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳага асосан, 8 қаторли янги автомобиль йўли қурилади, 2 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинади, энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатилиб, пидедалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари бир километр йўл қуришга кетадиган маблағ ҳамда материаллар кўлими тахлил қилиш асосида йўл индустриясини такомиллаштириш буйича кўрсатмалар берди. Автомагистраллар билан бирга ички йўлларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Демак, қурилиш ва таъмирлаш ишларида ҳар бир деталгача аҳамият берилади.

Ана шундай жиҳатлар Аҳмад Дониш кўчасида бутун буй-баста билан намоён бўлган. Унинг Тошкент ҳалқа автомобиль йўлига бўлган 2.2 километр кўлими 6 қаторли қилиб қайта қурилди. 4 қаторли мавжуд йўл реконструкция қилинди. Пидедалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилди. Энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатилды. Яна бир муҳим жиҳати — Аҳмад Дониш кўчаси ўртасидаги

яшил ҳудуд ва кўча бўйларидеги дарахтлар сақлаб қолинди. 1 850 та манзарали дарахт кўчати экилди.

Мутахассисларнинг изоҳ беришича, бу йўлнинг ишга тушуши туфайли қўлаб кўчалардаги тирбандлик камади. Тошкент ва Қўйлик туманлари аҳолисининг пойтахт марказига етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради. Ушбу янги трассада бир кунда 60 минггача транспорт воситаси ҳаракатланиши мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, йўлларга қаратилган эътиборни Президентимиз фаолиятининг илк кунларидеги илм аҳлига билдирган эътибор ва ишончига мензаш мумкин. Бугун барча юртдошларимиз қатариди олимларнинг ҳам руҳи баян, эртанги кунга ишончи кучли. Бугунги ислотлардан кўнгли тўқ. Машинасозлик соҳаси профессори сифатида шуни айтишим мумкинки, бу соҳа қайта жонланмоқда. Машинасозликда қилинаётган ишлар тарихнинг зарвароқларига муҳрланажак.

Фанга, илмга эътибор қаратган давлат гуллаб яшганидек, йўллар ободлиги учун қилинган сая-ҳаракатлар ҳам мамлакатнинг жаҳон саҳнасидаги ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлайди. Зеро, Президентимиз айтганидек, “Одамларимиз ҳам, меҳмонлар ҳам йўлга қараб давлатга баҳо беради. Йўллар яхши бўлса, халқимиз рози бўлади. Шунинг учун бундай сифатли йўлларни ҳудудларда ҳам қуриш, қишлоқ йўлларини ҳам ўзгартириш керак”.

ҚАЛЪДА ҒУРУР, ДИЛЛАРДА ШУКРОНАЛИК

Бахтиёр СУЛТОНОВ, Шайхонтоҳур туманидаги “Камолон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Давлатимиз раҳбари билан бирга пойтахтимизни айланиш жараёнида пандемия шароитига қарамай, юртимизда ободонлаштириш, катта қурилиш ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдик. Янги қурилган метро линиялари, замонавий технопарк, кўп қаватли уй-жойлар, айникса, текис ва раво кўчалар шаҳримиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида қилинган улкан бунёдкорлик ишларидир. Айникса, авваллари тор, тикилиш йўлақдан иборат бўлган Аҳмад Дониш кўчасининг кўриниши бугун тубдан ўзгариб кетди. 4 қаторли йўл қурилиб, велосипед йўлакчалари ҳам ташкил этилди. Метро линиялари атрофи ҳам обод қилиниб, сўлим, баҳаво кўчаларга айланди. Бугун бу ерлардан ўтган кишининг бахри дили очилади.

Яшнобод туманида арзон ва сифатли қилиб қурилаётган кўп қаватли хонадонлар эса 9 бали ер қимирлашига ҳам бемалол



дош бера олади. Уйларни қуришда гишдан эмас, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган мустаҳкам панеллардан фойдаланилаётгани нархларнинг янада арзон бўлишини таъминлайди. Мазкур уй-жой мажмуасида аҳолининг яшashi ва хордиқ чиқариши учун барча шартроил яратилмоқда. Уйлар атрофида ландшафт барпо этилиб, дам олиш масканлари, тиббиёт шохобчалари, спорт заллари ва яшил зоналар ташкил қилиняпти. Бир сўз билан айтганда, бу ерда шаҳар ичида кичик шаҳарча пайдо бўляпти, десак муболага эмас.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАКДАН ХАЙРЛИ ХАБАР БЕРАДИ



Наби ЖАЛОЛДИН, ёзувчи, “Шуҳрат” медали соҳиби

Тошкент шаҳрида мустақиллик байрами шарафига Президентимиз томонидан очилган янги объектлар халқимизга бебаҳо тўхфа бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ ижодкорлар ўша манзиларни бориб кўрдик.

Юнусобод ва Қўйлик тарафларда қурилган ер ости метро йўналишларидаги ҳашаматлар қалбимизни фахру ифтихорга тўлдирди. Бекатларни миллий руҳда барпо этишда энг замонавий технология ва материаллардан фойдаланилгани таъсирга лойик. Ўта замонавий ва қулай вагонлар, озода ҳамда баҳаво бекатлар кишининг завқини оширади. Айникса, “Туркистон” бекатини безатишда соф миллий меъмورлик услубларидан фойдаланилгани кўпларни мамнун этди. Туркистон Марказий Осиеда жойлашган хозирги бешта республиканинг умумий номи экани маълум. Бекат деворларига шу беш мамлакатни ифодолловчи алоҳида-алоҳида декорациялар ишланганки, бу ўзаро дўстлик, қардошлик алоқаларимиз янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз. Шунингдек, шифт ва устунлардаги безаклар ҳам бағоят гўзал, ёқимли, кўзни ашнатади.

Юнусобод метроси, ўз навбатида, жамоат транспортини соҳасидаги катта бир муаммони ҳал этиб, аҳолига янада қулайлик яратди. Энди унинг атрофида янги инфратузилма объекти ва уллар замирида янги иш ўринлари пайдо бўлади ҳамда у халқимиз фаровонлигига хизмат қилади. Умуман, қисқа муддатларда қуриб битказилган ҳар икки метро йўналиши Ватанимиз кудратини, халқимизнинг эса пандемияга қарамай, бунёдкорликдан бир лаҳза ҳам тўхтамай меҳнат қилганини бутун дунёга намойиш этди.

Яшнободда барпо этилган “Технопарк” — совуттич ва мис ишлаб чиқарувчи корхона ҳам барчани ҳайратга солди. У машур “Samsung” компаниясининг замонавий технология ва усуналари билан жиҳозланган. Ҳамма ишларни асосан роботлар бажаради. Ҳар ўн ўқиқз сонияда битта ўта замонавий ва чидамли совуттич ишлаб чиқарилиши — бу мамлакатимиз санаотининг тез суръатларда ривожланаётганидан далоятдир. Бир ярим минг нафар ишчи-ҳодимнинг асосий қисмини аёл-қизлар ташкил этгани ҳам жуда қувонарлик.

Пойтахтимиз ва, умуман, бутун мамлакатимиздаги барча шаҳару қишлоқлар кун сайин чирой очмоқда. Бир-биридан гўзал ва маҳобатли бинолар улкан ишлаб чиқариш корхоналари — бари-бари бунёдкор халқимизнинг, азиб Ватанимизнинг порлоқ келажагидан хайрли хабарлар беради.

Аёл ва жамият

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда жамиятимизнинг турли соҳаларида эришилаётган муҳим ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар ҳусусида тўхталиб, жумладан, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилаётганини алоҳида таъкидлади.



ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

барқарор ривожланишга эришиш асоси

дек, тадбиркорлик субъектларининг 20 фоиздан ортигига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

БМТ глобал кун тартибининг барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда "Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари" қабул қилинган. Ушбу соҳадаги 5-мақсад гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришидир.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йили Ўзбекистонга таширифи асосида мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга ижобий баҳо берди. Шу билан бирга, у Ўзбекистонда аёллар судьяликка кўпроқ жалб этилса, бу борада бошланган ижобий ислохотлар янада кўпроқ натижа беришини таъкидлаганида.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизнинг яқин тарихида Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқшунос аёллар алоҳида ўрин тутгани билан боғлиқ воқелик БМТ

фоизи аёллардан иборат бўлса, бу кўрсаткич Арманистонда 26,1 фоиз, Канадада 23,5 фоиз, Лихтенштейнда 23,1 фоиз, Озарбайжонда 11,9 фоизни ташкил этади.

Турли давлатлар амалиётида мазкур кўрсаткичнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши, шубҳасиз, уларнинг ўзига хос тарихи, миллий менталитети, урф-одатлари, ривожланиш босқичи каби кўплаб омилларга боғлиқ.

Хорижий давлатлар суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш учун турли чора-тадбирларни амалга оширган. Мисол учун, Бельгия, Италия, Ироқ, Йордания каби мамлакатларда судьялик лавозимига аёл номзодлар учун алоҳида гендерлик квоталари ажратилган.

Лекин Буюк Британия, Испания ва Франция бундай квоталарни жорий этишга қарши чиққан. Бунинг ўрнига улар олий юридик таълимга аёлларни кўпроқ жалб этиш, аёл судьялар учун турли шарт-шароитлар яратиш орқали гендер тенгликни таъминлаган маъқул, деган ҳулосага келган.

Хорижий тажриба шуни кўрсатдики, кўплаб давлатлар суд тизимида аёл судьяларга гендер квоталари жорий этилишини қўллаб-қувватламайди. Бунинг асосий сабаби юриспруденция соҳасида аёл кадрларнинг етишмаслиги билан изоҳланган.

Шунга қарамай, бир қатор давлатлар судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича маъсул органлар аъзоларини танлаш учун гендер квоталари тизимини жорий этишга маъқуллаган.

Мамлакатимизда Судьялар олий кенгаши шундай орган ҳисобланади. Судьялар олий кенгаши таркибиде жорий йил 1 январь ҳолатида 12 нафар эркак ва атиги 1 нафар аёл судья фаолият кўрсатмоқда.

Гендер тенгликни таъминлаш бўйича яна бир чора судьяликка номзодларни тайёрлайдиган таълим муассасасига тингловчиларни қабул қилишда гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этишдир. Юртимизда бундай муассаса Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидир.

2021 йил 1 январдан бошлаб судьялик лавозимига номзодлар фақат ушбу мактаб тингловчилари орасидан тавсия этилиши кўзда тутилган. Бундай муҳим чоралар, албатта, мамлакат суд тизимида аёллар сони оширишга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш бўйича механизмларни жорий этиш борасида берган топшириқларини бажариш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Гендер қўмитаси, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши томонидан алоҳида дастур қабул қилинди. Дастур мамлакатимизда аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мавқеини ошириш, ҳусусан, аёл судьяларни кўплаб-қувватлашга қаратилган.

Дастурда, жумладан, суд тизимида гендер тенглик таъминланганлиги ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш, олий юридик маълумотга эга хотин-қизларни суд органларида кенг жалб қилиш, судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига гендер масаласига оид қоидаларни белгилаш, судларда иш ҳажмини камайитириш ва судьялар ўртасида иш ҳажмини адолатли тақсимлаш чораларини кўриш, аёл судьялар учун қўлай меҳнат шароити яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ҳулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликка эришиш, ўз навбатида, хотин-қизларимизнинг қонуларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишини таъминлайди. Шу билан бирга, бу йўналишдаги муҳим қадимлар соҳани жаҳон стандартларига яқинлаштириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, жамиятда адолат ва қонуни устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.



Робохон МАХМУДОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари

Айтиш кераки, гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил энг юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг муҳим негизидир. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида бу борадаги ишларни халқаро андозалар даражасида ташкил этишга устувор эътибор қаратишмоқда.

Ҳусусан, жорий йил 30 июнь куни Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўтказилган вице-сектор йиғилишида судьялар орасида гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этиш бўйича Олий суд ва Судьялар олий кенгашига аниқ вазифа берилган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида аёлларимиз депутат, сенатор, ҳоким, элчи, прокурор, судья, солиқчи каби маъсулиятли лавозимларда меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, аёлларни турли масъулиятли лавозимларга тайинлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Натижада аёлларимиз депутат, сенатор, ҳоким, элчи, прокурор, судья, солиқчи каби маъсулиятли лавозимларда меҳнат қилмоқда.

Ҳозир турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида, шу жумладан, вазирлик ва идораларда, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида 1 минг 500 нафардан ортиқ хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қиздан иборат кадрлар захираси шакллантирилди.

Уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик ишига тайинланган бўлса, яна 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимида эгаллади.

Турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл "Муътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Юртимизда тадбиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўплаб-қувватлаш борасида қўшимча қадамлар берилди. Катта компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидеги хотин-қизлар улусида гендер тенглик деярли тўлиқ таъминланган. Шунинг-

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами ишлаб турган 1 минг 206 нафар судьядан 1 минг 50 нафари эркак бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафар, яъни 12,9 фоизни ташкил қилади. Олий судда фаолият юритаётган жами 62 нафар судьядан 15 нафари аёлдир. Бу рақам 24,2 фоизга тенг.

махсус маърузачисининг бу фикрини тасдиқлайди.

Ҳусусан, узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Олий суди раиси бўлган, Марказий Осиеда жинойт ҳуқуқи фани асосчиси, юриспруденция бўйича илмий мақом олган биринчи ўзбек аёли, академик **Ҳадича Сулаймоно**ва, Ўзбекистон адлия вазири бўлган ҳуқуқшунос оlima, профессор **Мамлакат Восикова**, Олий суд раиси бўлган профессор **Ҳалима Мухитдинова** ва бошқа ҳуқуқшунос аёлларимиз Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик нуфузини оширишга катта ҳисса қўшган.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами ишлаб турган 1 минг 206 нафар судьядан 1 минг 50 нафари эркак бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафар, яъни 12,9 фоизни ташкил қилади. Олий судда фаолият юритаётган жами 62 нафар судьядан 15 нафари аёлдир. Бу рақам 24,2 фоизга тенг.

Хорижий мамлакатларда ушбу кўрсаткичлар нисбатан юқори эканини таъкидлаш лозим. Ҳусусан, БМТ Европа иқтисодий комиссияси маълумотларига кўра, Латвияда суд тизимида ишловчи барча судьяларнинг 78,6 фоизи аёллардан иборат. Словенияда бу кўрсаткич 78,4, Руминия 72,8, Хорватияда 70,6, Сербияда 70,5 фоизни ташкил этади. Ҳозирги кунда бу соҳада энг паст кўрсаткичларга эга мамлакатлар ҳам бор. Буюк Британия суд тизимида ишловчи барча судьяларнинг 28,4

Ҳамкорлик

НЬЮ-ЙОРКДА ЎЗБЕКИСТОН САВДО УЙИ ОЧИЛДИ

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бугун юртимизнинг озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқа турдаги маҳсулотлари дунё бозорларига чиқиб, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари савдо дўконларидан муносиб жой эгалламоқда. Тобора ривожланиб бораётган экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилаяпти.

Куни кеча Нью-Йоркнинг Бруклин мавзесида экспорт-импортни ривожлантиришга йўналтирилган яна бир марказ — Ўзбекистон савдо уйининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси ҳамда давлатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган савдо уйи Мустақиллик айёмига муносиб тухфа бўлди.

Савдо уйининг асосий вазифаси юртимиз маҳсулотларини Америка қитъасида тарғиб қилиш ва маҳаллий товарларимизнинг экспорт ҳажмини оширишдан иборат. Марказ павильонда миллий маҳсулотларимиз кўргазма тарзида намойиш этилади ва тадбиркорлар ўртасида экспорт-импорт шартномалари тузилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган барча турдаги маҳсулотлар Экспортчилар уюшмасига аъзо тадбиркорлар, экспортчилар томонидан у ердаги талаб ва тақлиф асосида Нью-Йоркдаги савдо дўконларига етказиб берилди.

Маҳаллий тадбиркорларимиздан бири — уюшманинг Нью-Йоркдаги бизнес элчиси Абдумалик Аҳмедов кўмағида Бруклинда кичик бўлса-да кўргазмалар ташкил этиб, Америка бозорларида ўзбек маҳсулотларини тарғиб қиладиган шоу-рум, ўзбек ишбилармонларига яқиндан қўмақ берадиган марказ ташкил этишга муваффақ бўлди. — дейди Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси раиси Мухтор Умаров. — Маълумларга кўра,



юртимиздан борган эмигрантларнинг кўпчилиги Бруклинда яшайди. Бундан ташқари, АҚШда МДХ давлатларидан бориб истиқомат қиладиган тадбиркорлар томонидан ташкил этилган 700 дан ортиқ йирик дўкон бор. Уларда юртимизнинг турли озиқ-овқат маҳсулотлари созилади. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги маҳаллий савдо марказлари ҳам тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳўл ва курук меваларимизга бурютмалар тушади. Уларни осон ва тезкорлик билан етказиш, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида уюшма савдо уйини ташкил этишга қарор қилди. Бу жой икки давлат ўртасидаги савдо йўлга вазифасини бажаради ва эндиликда ўлкамиз маҳсулотлари Америка дўконларига бизнинг савдо уйимиз орқали ҳеч қандай тўсиқсиз етиб бориши таъминланади.

Шунингдек, харидорлар сонини ошириш учун лойиҳага жалб этилган 5 нафар маркетинг эрдэмида АҚШдаги савдо мажмуаларида юртимиз маҳсулотларини тарғиб этишга қаратилган турли акция ва тадбирлар ўтказилади. Аҳолига меваларимизни белул татиб кўриш имконияти яратилади. Бу орқали ўша ернинг узда харидорлар топилиб, уюшма орқали маҳаллий экспортчилар билан алоқа ўрнатил таъминланади. Ҳозирча бу ишларнинг биринчи босқичи Нью-Йорк шаҳрида бошланди. Келгу-

сида бундай савдо уйларини дунёнинг бошқа давлатларида ҳам очиб режалаштирилган.

Мутасаддиларнинг тақлифи билан савдо уйида "Ўзбек жамияти"нинг қароргоҳи ҳам ташкил этилди. Марказ фаолиятининг давомида АҚШда истиқомат қиладиган юртдошларимизни иш билан таъминлашга кўмаклашиш кўзда тутилган.

Савдо уйида маҳаллий ва хорижлик тадбиркорлар ўртасида бевосита савдо шартномалари имзоланиши билан бирга, юртимиздаги экспорт бозорлари интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри марказга уланади. АҚШдаги йирик савдо дўконлари раҳбарлари ва бошқа харидорлар ўзбек маҳсулотларини O'zbekmart.com электрон шоу-руми орқали онлайн режимда кўриб, бурютма бериши ҳам мумкин. Экспортчилар уюшмаси ҳузуридаги "Uzexit capital" молия ташкилоти эса Нью-Йоркдаги тадбиркорларнинг савдо харидларини молиялаштиради. Тизимли равишда олиб борилаётган мазкур ишлар маҳаллий тадбиркорларга катта кўмак бўлиб, Ўзбекистон маҳсулотларининг Америка бозорларига кенг кириб бориши ва экспорт салоҳиятининг янада ошишига йўл очади. Келгусида савдо уйи павильони худудини кенгайтириш ҳамда кўргазма майдонига юртимизда ишлаб чиқариладиган барча турдаги маҳсулотларни жойлаштириш мақсади қилинган.

Туризм

Тошкент виллоятининг Бўстонлик туманидаги Оқтош МФЙда "Heaven's Garden Resort & SPA" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. "Turon Resort SPA" МЧЖга тегишли 300 ўринли мазкур замонавий меҳмонхона мажмуасининг умумий қиймати 50 миллиард сўм бўлиб, биринчи босқичда 32 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Натижада юздан ортиқ янги иш ўрни яратилди. У Тошкент виллоятидаги йирик меҳмонхоналардан бўлиб, сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилади.



ОҚТОШДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНА ИШ БОШЛАДИ



Л.СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

— Сўнгги йилларда Бўстонлик туманидаги туризм соҳасига маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг қизиқишлари ортиб бормоқда, — дейди Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов. — Ишчи гуруҳ томонидан тадбиркорларнинг энг сара лойиҳалари танлаб олинди, амалга оширилмоқда. 2018 йили Оқтош худудидеги ушбу йирик туристик объектнинг қурилишига шарт берилган эди. Бугунга келиб лойиҳа-

"Turon Resort SPA" МЧЖга тегишли 300 ўринли мазкур замонавий меҳмонхона мажмуасининг умумий қиймати 50 миллиард сўм бўлиб, биринчи босқичда 32 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

нинг биринчи босқичи тугаллиниб, фойдаланишга топширилди. Мажмуа икки ресторандан, жаҳон стандартларига мос келувчи SPA салон ҳамда сув ҳавзасини ўз ичига олган. У нафақат хорижий сайёҳлар, балки маҳаллий аҳолига ҳам хизмат кўрсатади.

Шуниси диққатга сазоворки, худудда шифобахш гиёҳлар етиштирилиб, улардан турли малҳамлар тайёрланади ҳамда меҳмонлар саломатлигини тиклаш учун тақдим этилади.

— Айни дамда лойиҳанинг иккинчи босқичини бошлашга тайёрланганимиз, — дейди "Turon Resort SPA" бош директори Саидазим Юнусхўжаев. — Навбатдаги босқичда меҳмонхонадаги ўринлар янада кўпаяди ва қўшимча виллалар барпо этилади. Меҳмонхонаимизнинг Оқтош худудидеги жойлашган меҳмонларнинг саломатлиги учун фойдалидир. Нафас йўллари билан боғлиқ касалликлар ҳамда аллергия билан боғлиқ ҳолатларда Оқтош ҳавоси шифо бўлади. Бу ерда сайёҳларга йилнинг барча мавсумида хизмат кўрсатиш имконияти бор.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълум қилишича, бундай инфратузилма объектлари туризм соҳасининг иқтисодийдаги улушини оширади. Бу йил Тошкент виллоятида қиймати 1 триллион 980 миллиард 600 миллионга тенг 2 минг 213 та ижтимоий соҳа объектида қурилиш ва монтаж ишлари режалаштирилган бўлиб, уларда етти ой давомида 1 триллион 232 миллиард 900 миллион сўмлик пулдат ишлари амалга оширилди.

Таълим



Норхон ИСОЕВ, Қорақўл академик лицейи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Ёш математиклар ва физиклар мактаби номи билан 1991 йилда устоз Тўхтамурод Жумаев ташкилотчилигида иш бошлаган билим даргоҳи таълим-тарбиядаги ўзига хос услуби билан "жаҳонга юз тутган мактаб" сифатида донг таратди ва 2009 йилдан Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейи мақомини олиб, юртимизга овоза бўлди. Мактаб жамоаси бугунги кунда "Қорақўлча ўқитиш усули", "Қорақўл мактаби" каби кенг ёйилган таърифларнинг бешиги ҳисобланади. Таълим муассасаси устоз Тўхтамурод Жумаевнинг тadbиркорлиги, раҳбарлик маҳорати маҳсули сифатида улкан зафарларни қўлга киритди.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН МАКТАБ

Айни чоғда жамоа унинг шоғирди Ғолибжон Жумақулов раҳбарлигида ютуқларни янада кўпайтириб, мустақамлаб, обрў-эътиборини орттириб бормоқда. Хозирги кунгача республикамиз фан олимпиадаларида 54 та имтиёзли диплом қўлга киритилди. Жаҳон ва халқро фан олимпиадаларида қатнашган 90 нафардан ортиқ ўқувчимиз 1 та олтин, 15 та кумуш ва 31 та бронза, жами 47 та медални қўлга киритиб, дунёда ўзбек фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини қўп бор тасдиқладилар.



Жаҳон ва халқро фан олимпиадаларида қатнашган 90 нафардан ортиқ ўқувчимиз 1 та олтин, 15 та кумуш ва 31 та бронза, жами 47 та медални қўлга киритиб, дунёда ўзбек фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини қўп бор тасдиқладилар.

Таълим муассасамизнинг асосий вазифаси ўқувчиларимизнинг юқори билим ва юксак маънавиятга эга олий таълим даргоҳларига ўқишга кириши ҳисобланади. Бундай мақсадга етишадиганни сўнги йиллардаги олий-ғоҳларга ўқувчиларимизнинг кириш фойзалари билан билишимиз мумкин. 2016 йил 76 фойз, 2017 йил 82 фойз, 2018 йил 93 фойз, 2019 йил 90 фойзлик натижа кўрсатилди ва республикада етакчи бўлмоқда.

Бухоро давлат университети билан ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилгани мўаммоларга осон ечим топишда кўп келмоқда. Университет профессор-ўқитувчиларининг лицейга келиб машғулотлар ўттиши, ўқувчиларимизнинг эса университети бориб назарий ва амалий билимларини ошириб туришлари олийғоҳлар ҳақидаги тасаввурларининг бойишига олиб келмоқда. Бу борада Давлат тест маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Фаргона машинасозлик институти, Бухоро муҳандислик технология институти ва халқро миёсда Малайизиянинг УСИМ университети билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Академик лицейи биноси замон талаблари асосида жиҳозланиб, видеокузатув мосламалари ўрнатилиб, маюфавий таълимга мўлжалланган дарсхоналар ташкил қилинган. Қорақўл туманидан узоқ бўлган туман, вилоятлардан келган ўқувчиларга бепул ётоқхона ва давлат ҳисобидан овқатланиш учун қўшимча маблағлар ажратилмоқда. Ўқувчилар ўқув адабиётлари билан тўлик таъминланган, 9 800 дан зиёд китоб фондига эга кутубхона бор.

Таълим масканида хизмат қилаётган 58 нафар педагогининг 25 нафари "Халқ маорифи аълочиси", бир нафари "Олий ва ўрта махсус касб-хунара таълими аълочиси" кўкрак нишонларига эга бўлса, беш нафар устоз давлат мукофотларига муносиб топилган. Утган давр мобайнида ўқув масканининг ташкилотчиси Тўхтамурод Жумаев "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" ва "Эърт хурмати" ордени билан, Баҳридин Собиров "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи", Жуманазар Мустафоев "Шўхрат" медали билан тақдирланди. Ишончимиз комилки, академик лицейининг жонқуяр, талабчан, қатъий фикрга эга жамоаси азиз юртимиз учун ҳар жиҳатдан муносиб фарзандларни етиштириб беришда тинимсиз изланиш ва меҳнатдан толмайди.

Лицей битирувчилари орасида 10 дан зиёд фан доктори, давлат бошқаруви ва муҳим стратегик аҳамиятга эга ташкилотларнинг кўпласи ходимлари бор. Ўқитувчилар жамоасидан бир неча устозлар илмий мақола ва дарсликлар яратиб, Ўзбекистон таълимини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мулоҳаза

“ҚИЗИМНИНГ СЕПИГА КИТОБ ОЛАМАН...”

Дилфуза МАҲКАМОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси

- “Ойжон, “сеп” дегани нима ўзи? Сақиз ёшли қизимнинг ногоҳ берган саволидан ажабландим. - Нима учун бу саволни беряпсан? - Ўзим шунчаки қизиқяпман, - деди қизим ширингина оҳангда. - Сеп - қизларни турмушга узатаётган пайтида бериладиган нарсалар жамланмаси, - деб тўшунтира бошладим. - Унда менинг сепимга нималар оляписиз?

- Бу нима деганинг? - дедим жаҳлим чиққандай бўлиб. - Ҳали сенига бу ҳақида гапиришни ким қўйибди?

- Кеча кўчамизда икки қўшни аёл гаплашиб турганда уларнинг бири, “Вой айналай, оилада қиз фарзанд туғилдим, сандиққа сеп йиғишни бошлаш керак”, деди-ку... Қизим гарчи берган саволининг мазмунини англаб етмаган бўлса-да, ёниқ кўзлари савол назари билан боқиб турганидан нима деб жавоб қайтаришни ҳам биймай каловланиб қолдим. Шу-нақасиям бўлар экан-да...

- А, ойжон? Сизга айтаяпман... - Сен, сен... бу ҳақда айтлашга ҳали кичкинасан. Кейин-чи, кўчадаги аёлларнинг гапига қўлоқ солма, ҳўпми?

Қизим яна бошқа маздуларда сўзлар кетди. Аммо ҳаёлимни турли фикрлар қирмаб олганда...

Гул ұсса — ерининг кўрки, қиз ұсса — элнинг кўрки, дейди доно халқимиз. Ойлада қиз фарзанд дунёга келдими, отага меҳрибон, онага суянчик, миллат эртасини давом эттирувчи бўлади, дея қувонамиз. Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтиб борар экан, ҳар бир ота-она бўйи етаётган қизининг эртанги кўни учун замин ҳозирлаб боради. Энг аввало, қизни илми ва маърифатли қилиб каломлга етказиш ота-онанинг олдида турган энг биринчи вазифадир. Бу ўринда китобга меҳр уйғотиш муҳим аҳамиятга эга. Ўткинчи ҳою-ҳавасга берилиб, қиз болани кийим-кечак, турли буюмларга ўч қилиб тарбиялашнинг оқибатини ҳаёт давомида кўриб, тегишлича ҳулоса чиқариб келмоқдамиз. Айниқса, бўйи етган қиз узатилаётганда ота-онанинг зиммасидаги вазифа икки барофа ошиши, ҳеч кимдан кам қилмасдан, тўла-тўқис қилиб ўзга хонадонга узатиш илгидан йилга янги урф-одатлар билан “бойи-моқда”.

Қизни бешикка сол, сепини сандиққа — ёки “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр”, дейилганда на-факат келиннинг сепи, шу билан бирга, агар шу мазмунидаги халқ мақолларининг хоҳиятини тўғри таҳлил қиладиган бўлсан, қиз болани ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда мазмун касб этади, назаримизда.

Шу ўринда онамнинг жуда кўп тақоррайдиган бир гаплари ёдимга тушди: “Сепли келиб серилдим, сепсиз келиб кериладим”. Мен ёшгина қиз пайтим биринчи эшитганимда бунинг мазмунини тушунмаганман. Орадан вақт ўтиб буй етган онамга бунинг мазмунини ўз ҳаётлари мисолида тушунтираётганликларини эшитиб, асп маъносини англагандай бўлганман. Яъни онамнинг 12 ёшида онаси, 20 ёшида эса отаси оламдан ўтган. Амакиси ва келиноийсининг қўлида улғайиб, уларнинг қўмағида турмушга узатилган онамнинг сеп сандиқига санокли буюмдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган. Ҳатто ўша пайтда урф бўлган ва ҳозиргача давом этиб келаятган тилла зирак ва узук ҳам олиб бериша олишмаган. Аммо онамнинг сеп сандиқига “Тиббиёт энциклопедияси”, “Уй-рўзгор энциклопедияси”, Навоий асарларидан намуналар, “Уткан кўнлар” сингари китоблар ўрин олган экан. Онам мазкур тўпламларнинг барчасини ўқиб чиққани сабаб билим доираси кенг ва мулоҳазали, жуда меҳнатқаш, ҳунарли қиз бўлган. Шу боис ҳам келин бўлиб тушган хонадонда меҳр қозониб, мана 35 йилдирки, фаровон турмуш кечириб келишмоқда.

Мени ўйлантирадигани, 35 йил аввалгидек ҳолат ҳозир ҳам тақорланса қандай бўлади? Бугуннинг қизлари

ҳеч бир матохларсиз турмушга чиқишга рози булармикин? Ота-оналар-чи? Қўл учидан аранг рўзгор тебратаётган хонадон эгалари қизини узатаётганда қарз олиб ҳою-ҳавасни ўрнига қўйганда кейин қарз тўловига келганда не-не азорларни ўзига дучор қиляётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Айниқса, айниқса... бугуннинг йигитлари ёки қайноналари хонадонига сепсиз келаятган келинни қандай қабул қилар эканлар? Саволлар бисёр. Жавобини ўйлаб эса юрагимда алпанечуқ оғриқ пайдо бўлади.

Маълумотларга кўра, юртимиздаги олий маълумотга эга эр-хотин, ўқимшли оилалар ўртасида ажралишлар умумий ажримлар сонининг жуда кам фойзини ташкил қиладди. Бундан қўринадик, фарзанднинг илм олишига эътибор унинг келажакни ҳам фаровон этади.

Юқорида узатилаётган қизнинг сепи ҳусусида сўз очган эдик. Сеп деганда фақат моддий нарсалар (мебель, тилла буюмлар, чинни, ғилам, маийш анжомлар)ни тушуниш ҳам маънавий эътиборнинг бир қўрнини, аслида, айттишларича, грузинлар қизларининг сепига Шота Руставелининг “Йулбарс терисини ёпинган пахлавон” китобини солишар экан. Шу китоб бўлмаса, сепи тўлиқ ҳисобланмасмиш. Қанчалик ибратли иш. Қувонарлиси, юртимизда истиқомат қиляётган кўпбал хонадонларда қизнинг сепига китоб қўшиб узатиш анянага айланаятгани кўп бора қўлимизга чалинмоқда.

Яқинда интернет сайти орқали Сурух воҳасининг Денов туманида келин сепи борасида янгича урф



қўшилгани, яъни деновликлар сепга халқимизнинг чинакам қаҳрамонлик тимсоли бўлган “Алпомиш” достонини қўшиб бериш анянаси пайдо бўлганини ўқиб қувондим. Бу дoston сандиқига санокли буюмдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган. Ҳатто ўша пайтда урф бўлган ва ҳозиргача давом этиб келаятган тилла зирак ва узук ҳам олиб бериша олишмаган. Аммо онамнинг сеп сандиқига “Тиббиёт энциклопедияси”, “Уй-рўзгор энциклопедияси”, Навоий асарларидан намуналар, “Уткан кўнлар” сингари китоблар ўрин олган экан. Онам мазкур тўпламларнинг барчасини ўқиб чиққани сабаб билим доираси кенг ва мулоҳазали, жуда меҳнатқаш, ҳунарли қиз бўлган. Шу боис ҳам келин бўлиб тушган хонадонда меҳр қозониб, мана 35 йилдирки, фаровон турмуш кечириб келишмоқда.

Мени ўйлантирадигани, 35 йил аввалгидек ҳолат ҳозир ҳам тақорланса қандай бўлади? Бугуннинг қизлари қўшилгани, яъни деновликлар сепга халқимизнинг чинакам қаҳрамонлик тимсоли бўлган “Алпомиш” достонини қўшиб бериш анянаси пайдо бўлганини ўқиб қувондим. Бу дoston сандиқига санокли буюмдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган. Ҳатто ўша пайтда урф бўлган ва ҳозиргача давом этиб келаятган тилла зирак ва узук ҳам олиб бериша олишмаган. Аммо онамнинг сеп сандиқига “Тиббиёт энциклопедияси”, “Уй-рўзгор энциклопедияси”, Навоий асарларидан намуналар, “Уткан кўнлар” сингари китоблар ўрин олган экан. Онам мазкур тўпламларнинг барчасини ўқиб чиққани сабаб билим доираси кенг ва мулоҳазали, жуда меҳнатқаш, ҳунарли қиз бўлган. Шу боис ҳам келин бўлиб тушган хонадонда меҳр қозониб, мана 35 йилдирки, фаровон турмуш кечириб келишмоқда.



“Тилла занжирнинг ундогодан, зирак ва узукнинг бундоғидан қилиб бердим”, деб кўпчилиқнинг эътиборини ўзига қаратишдан аввал “Жаҳон мўмтоз адабиёти намуналаридан сеп сандиқига солдим”, деб китоб ўқишининг қизлар тарбиясига таъсири ҳусусида гапириб беришлари нақададир чиroyли.

Бериш қаторида ҳар ойда оладиган маюшондан, албатта, китоб сотиб олишини, уйда ўзи ва фарзандлари учун кутубхона яратиш ва уни муптазам янги адабиётлар билан бойитишни ҳамда буш вақтида ўша китобларни мутолаа қилиб боришларини доим ўқтираман.

Ҳа, онажонларимизнинг: “Қизимнинг сепига Хитойнинг соф чинниларидан фалон жамланма қилдим”, дея мақта-нишларидан олдин “Миллий энциклопедиянинг ҳар бир чиққан томини олдим”, дея фахрланишлари, “Фалон давлатнинг қиммат мебелидан олдим”, дея кўкрак керишларидан аввал “Қизимнинг сепига ҳазрат Навоийнинг “Ҳамас”ини олдим”, деб гурурланишлари, “Тилла занжирнинг ундогодан, зирак ва узукнинг бундоғидан қилиб бердим”, деб кўпчилиқнинг эътиборини ўзига қаратишдан аввал “Жаҳон мўмтоз адабиёти намуналаридан сеп сандиқига солдим”, деб китоб ўқишининг қизлар тарбиясига таъсири ҳусусида гапириб беришлари нақададир чиroyли.

Бу орада яқинларимиздан бири “Қизингиз янги хонадонда ўй юмушларидан ортиб китоб қўиб ўтиришга вақт топармикин?”, дея савол ташлаши, яна кимдир “Китоб қизингизни бой қилармиди”, дея саёз фикрлаши ва шу сингари кесатик гаплар бўлиши ҳам тайин. Сизнинг гапларингиз улар учун баландларвоз гапдек туюлиши ҳам мумкин. Аммо сизни маънавийлати, теран фикрлайдиган инсонлар қўллаб-қувватлайди. Ийиллар ўтиб киз тутган йўлнинг нақададир тўғри экани ва унинг самарасини кўраверасиз.

— Қиз боланинг тарбияси нозик ва бу борада меъёр нуқтасини топиш билангина натижага эришиш мумкин, — деди журналист Садóқат Самандарова. — Меҳр ҳам, қаттиққўллик ҳам, назорат ва эркинлик ҳам керак. Аммо барчаси меъёрда, “туз-намағи” жоийда бўлиши лозим. Бу борада китоблар қизларга ёрдан бергувчи маёқ кабидир. Тарбияни меъёрлаштириб тургувчи тарозидур. Шунинг учун ҳам кўп китоб ўқиган қизлар ўзини қаерда қандай тутишни яхши тушунишади. Аммо масаланнинг иккинчи томони ҳам бор. Биз яшаётган жамият қоғ иккига бўлинган олма кабидир. Унинг бир палласи зиёлилар қатлами бўлса, иккинчиси маийш турмуш дарида оворалар сингаришдир. Қизининг сепига китоб ийққан ота-она фарзандини ўзи каби биринчи палла вақилларига узатишга катта аҳамият қаратиши лозим. Акс ҳолда турмуш ўртоқларининг ўзи каби кўп китоб ўқишга ўргатиши учун улардан катта сабр, ирода ва матонат сарфлаш талаб қилинади.

Фикрларимни қоғозга туширишдан аввал қизимнинг “Ойжон, менинг сепимга нималар оляписиз”, дея бола-ларча таажжубланиб берган саволига жавобини ҳам тайёр. “Қизим, қиз боланинг хон катта сепи — маънавий баркамоллиги. Маънавий баркамолликка эса китоб ўқиш, илм олиш, ҳунар ўрганиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам сенинг сепингга солиш учун КИТОБлар оламан...” дейман ҳамиша ишонч билан.